87

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ




# САНЪАТ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Тошкент-2018

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач | |
|---|---|
| 03.03.22. | |


87

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Баҳодир Ҳусанов, Дилбар Қодирова

1940

# САНЪАТ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Услубий қўлланма

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент - 2018

**Баҳодир Ҳусанов, Дилбар Қодирова**
Санъат ва эстетик тарбия. Услубий қўлланма / Б.Ҳусанов, Д.Қодирова. - Тошкент, ЎзМУ. 2018. – 68 б.

Услубий қўлланмада ўқув жараёнида санъатнинг эстетик хусусиятлари, эстетик тарбиянинг мақсади, вазифалари ҳамда ёшлар маънавиятида тутган ўрнини тушунтиришнинг замонавий педагогик технологиялар асосида амалга ошириш, санъат ва эстетик тарбия ҳақидаги билимларни мустаҳкамлашга ҳамда мавзунинг маъруза ва семинар машғулотларида интерфаол усуллардан самарали фойдаланишга доир тавсиялар ва педагогик маслаҳатлар баён этилган. Услубий қўлланма олий таълим муассасаларида фалсафа, педагогика, психология ҳамда бадиий ижод йўналиши бакалаврларига, 5А120503-этика ва эстетика магистрантларига ҳамда тадқиқотчиларга мўлжалланган.

В методической пособие отражены эстетические свойства в процессе искусства, цель эстетического воспитания, задачи, а также осуществление понятия место духовности в жизни молодежи на основе современных педагогических технологий, укрепление знаний об эстетическом воспитании, также даны педагогические советы и рекомендации по использованию интерактивных методов на лекционных и семинарских занятиях. Методическая пособие предназначена для бакалавриата высшего учебного заведения по направлениям философия, педагогика, психология и художественное творчество, магистрам по направлению 5А120503 – этика и эстетика, а также исследователям.

The methodological handbook provides teaching guidance on the aesthetic characteristics of art, the purposes, and objectives of aesthetic education and the role of youth in the spirituality of the art on the basis of modern pedagogical technologies, strengthening the knowledge about art and aesthetic education, and the effective use of interactive methods in lecture and seminars. The methodological handbook is specialized for bachelors in the directions of Philosophy, Pedagogy, Psychology and Artistic Direction in Higher Education Institutions and 5A120503-ethics and aesthetics masters and researchers.

Мазкур услубий қўлланма ОТ-А1-98 “Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида эстетик тарбияни ривожлантиришнинг миллий асослари” мавзуидаги грант лойиҳаси доирасида тайёрланди.

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| **Абдуллаева Насиба Бўроновна** | Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари доктори. |
| **Айматов Аминжон Қудратович** | Самарқанд давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди. |

Услубий қўлланма Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган. 30 октябр, 2018 йил №3 сонли баённома.



# МУҚАДДИМА

Тарбия барча замонларда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Айниқса, XXI асрда бу масала ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” - деган фикри айни ҳақиқатдир.

Эстетик тарбия шахс камолотида муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Чунки, одамни инсон бўлиб ривожланишида тарбиянинг бошқа шакллари муайян давр, вақт ва шароитни тақазо этса, эстетик тарбия инсоннинг туғилишидан то умрининг охирига қадар бирга бўладиган маънавий ҳодиса ҳисобланади. Бу жараён эса билим, тажриба ва ҳаёт реалликлари билан мувофиқликни талаб этади.

Ҳозирги пайтда таълим ва ўқув жараёнини модернизация қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорида “олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” масаласи олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни тўлақонли амалга оширилиши умуман эстетик тарбияни, хусусан эстетик таълимни янада такомиллаштиришни тақазо этади. Бу ўз навбатида, таълимга ҳамда ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилашни талаб қилади. Зеро, педогогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий муаммоларга нисбатан мустақил муносабатини билдиришига, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.

Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу услубий қўлланмада ҳам санъат ва эстетик тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги, эстетик тарбиянинг миллий асосларини яратишда санъатнинг ўрни, маънавий янгиланиш жараёнида эстетик тарбия олдида турган вазифалар, санъат ва турмуш эстетикасида қарама-қаршилик диалектикаси, эстетик интуициянинг эстетик маданият ривожидаги

| | |
|---|---|
| **Таълим методи** | Маъруза, тушунтириш, суҳбат, “Б–Б–Б” стратегияси |
| **Таълимни ташкил этиш шакли** | Маъруза, оммавий |
| **Дидактик воситалар** | Маъруза матни, слайд-презентация |
| **Таълимни ташкил этиш шароити** | Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона |
| **Назорат** | Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия |

**Маърузанинг технологик ҳаритаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчи** | **Талаба** |
| **1-босқич.** Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (20 минут) | 1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади. | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| | 1.2. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришни сўрайди. | “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришади. |
| | 1.3. Фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради. | Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасаввурлар тизимига эга бўлишади |
| | 1.4. Фан миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради. | |
| | 1.5. Фаннинг рейтинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради. | Рейтинг қайдномасини тўлдиришади |



| | | |
|---|---|---|
| **2-босқич.** Асосий (Англаш босқичи) (50 минут) | 2.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдириш сўралади. | “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдиришади. |
| | 2.2. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади. | Тинглайдилар, саволжавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади. |
| | 2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожжат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади. | |
| **3-босқич.** Якуний (Фикрлаш босқичи) (10 минут) | 3.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади. | “Б–Б–Б” стратегиясини туғаллашади ва ўз тасавурларини бошқаларники билан таққослайди. |
| | 3.2. “Б–Б–Б” чизмаларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. | Ўз тасаввурларини бойитади ва тўлдиради. |
| | | Топшириқни ёзиб олишади. |

| | | |
|---|---|---|
| | 3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.<br><br>3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради. | |

**Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ**

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ - Биламан/ Билишни ҳоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Талабалар:

1. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.
2. "Мавзу бўйича нималарни биласиз" ва "Нимани билишни хоҳлайсиз" деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.
3. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.
4. Мустақил/кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

| Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ | | |
|---|---|---|
| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
| | | |

**Муаммоли саволлар тўплами**

**"Тафаккур қилувчи ва ҳис этувчи инсонни тарбиялаш учун аввало уни эстетик жиҳатдан тарбиялаш лозим" деган ҳикмат қайси файласуф томонидан айтилган?**

А. Олмон файласуфи Фридрих Шиллар томонидан.

Б. Инглиз файласуфи Карл Лейбниц томонидан.

В.А. Француз файласуфи Жан Поль Сартр томонидан.

Г. Италиялик файласуф Николло Макиавелли томонидан.



**Эстетик тарбияга зарурият нимадан келиб чиқади?**

А. Жамиятнинг қонуний эҳтиёжларидан келиб чиқадиган заруриятдир.

Б. Жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган заруриятдир.

В. Жамиятнинг сиёсий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган заруриятдир.

Г. Жамиятнинг мафкуравий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган заруриятдир.

**Эстетик тарбиянинг мақсади қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

А. Бадиий тафаккурни юксалтириш ва гўзалликни хунукликдан фарқлаш.

Б. Дидни тарбиялаш ва давлатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш.

В. Воқеа-ҳодисаларга муносабат кўникмасини шакллантириш.

Г. Санъатнинг эстетик мазмунини тушунтириш.

**Эстетик тарбия - бу ...?**

А. Жамиятда маънавий муҳит барқарорликни таъминлаш ҳамда бадиий тафаккур ва юксак дидни шакллантиришга хизмат қилувчи ижтимоий маънавий жараён.

Б. Жамиятда иқтисодий муносабатлар барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий жараён.

В. Одамларни сиёсий дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилувчи жараён.

Г. Инсонлараро ахлоқий маънавий муҳит барқарорликни таъминлаш ҳамда ахлоқий тафаккурни шакллантиришга хизмат қилувчи ижтимоий маънавий жараён.

**Эстетик тарбияда муҳим аҳамият касб этувчи жиҳат нимадан иборат?**

А. Ҳаётнинг мазмуни ва мақсади муҳим аҳамият касб этади.

Б. Ҳаётдаги оилавий муносабатларнинг мақсади муҳим аҳамият касб этади.

В. Умумтаълим муассасаларининг мақсади муҳим аҳамият касб этади.

Г. Мутахассисликнинг мақсади муҳим аҳамият касб этади.